




“Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан мақсадли ҳамда самарали фойдаланиш, ер ва сувдан фойдаланувчиларнинг масъулиятини ошириш масалалари. Ирригация-мелиорация тадбирларини ўтказиш ва сув хўжалигини янада ривожлантириш истиқболлари”

**Ш.Р.Ҳамроев – Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири ўринбосари
Сув хўжалиги бош бошқармаси бошлиғи**

Ўзбекистон ҳудудида ишлатиладиган сув ресурсларининг шаклланиши

Ўзбекистонда
шаклланади




Тожикистон ва
Қирғизистон
ҳудудида
шаклланади

**Трансчегаравий сув
ресурсларидан
фойдаланиш муаммолари**

Трансчегаравий сув ресурсларидан фойдаланиш муаммолари

Энергетик режим



Ирригацион-экологик режим

Нурек сув омборининг сўнги йилларда ишлаш режими

Нурек сув омборидаги сув ҳажми

- 4,5 млрд.м³



6,0
млрд.м³

10,5
млрд.м³

1 апрель ҳолатига

1 сентябрь ҳолатига

Тўхтагул сув омборининг ишлаш режими


вегетация даврида



Рогун ГЭС (сув омбори)



Қамбарота ГЭС-1 (сув омбори)



Сув омборларнинг энергетик режимда ишлашининг салбий оқибатлари

- Сув баланси бузилади;
- Ёзги суғориш мавсумида сув танқислиги юзага келади;
- Каналлар ва улардаги гидротехник иншоотларнинг техник ҳолати ёмонлашади;
- Сувдан фойдаланиш самарадорлиги пасаяди;
- Сув йўқолиши кўпаяди.

Ўзбекистон Республикаси қуйидаги умумэътироф этилган халқаро конвенцияларга аъзо бўлди



Трансчегаравий сув оқимлари ва халқаро кўллари муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги Конвенция, **Хельсинки, 17.03.1992 й.**



Халқаро сув оқимларидан кема қатновисиз фойдаланиш ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция , **Нью-Йорк, 21.05.1997 й.**

Халқаро конвенцияларнинг асосий принциплари

- Барча давлатларнинг манфаатлари бирдек ҳисобга олинган
- Трансчегаравий сув ресурсларидан адолатли ва оқилона фойдаланиш
- Қўшни давлатларга “зарар етказмаслик”


Трансчегаравий сув оқимларидан фойдаланишнинг тамайиллари

Марказий Осиё давлатлари ўртасида трансчегаравий сув оқимларидан фойдаланиш минтақадаги **барча давлатларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда** халқаро ҳуқуқ меъёрлари ва Конвенцияларнинг тамайиллари асосида ташкил этилиши лозим.



Трансчегаравий сув оқимларидан фойдаланишнинг тамайиллари

Трансчегаравий дарёларда қуриладиган барча йирик иншоотлар албатта халқаро холис экологик ва техник экспертизадан ўтказилиши ҳамда қўшни давлатлар билан келишилган ҳолдагина амалга оширилиши шарт.



Трансчегаравий сув оқимларидан фойдаланишнинг тамойиллари

Сув ресурслари биринчи навбатда **ичимлик** ва **санитария** мақсадларига, сўнг **қишлоқ хўжалиги** маҳсулотларини етиштиришга ва **экологик** ҳолатни барқарорлаштиришга, ва шундан кейин **бошқа** эҳтиёжларга берилиши керак.



**Сувдан фойдаланиш
самарадорлигини ошириш
чоралари**

Сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чоралари

- **Сув ресурсларини бошқариш тизими такомиллаштириш**
- **Суғориш тармоқларининг техник ҳолатини яхшилаш**
- **Суғорилдиган ерларнинг мелиортив ҳолатини яхшилиш ва уларнинг сув таъминотини ошириш**
- **Замонавий сувни тежайдиган технологияларни жорий қилиш**
- **Автоматлашган бошқарув ва кузатув тизимини яратиш**
- **Қишлоқ хўжалигини маҳсулотларини ишлаб чиқишни диверсификациялаш**

Гидротехник иншоотларни таъмирлаш- тиклаш ва қуриш

Сўнгги йилларда:

1,5 минг км каналлар

400 йирик гидротехник иншоот

200 насос станциялари

386,0 минг га суғориладиган

ерлар **реконструкция** қилинди

Каналлар ва гидротехник иншоотлар

техник ҳолати яхшиланди



17/09/2012 17:02

Гидротехник иншоотларни таъмирлаш- тиклаш ва қуриш

Ҳар йили

5,0 минг км

магистрал
каналлар

100 минг км

ички суғориш
ва нов

тармоқлари

10 минг дона

гидротехник
иншоотлар ва
гидропостлар

тозаланади ва
таъмирланади




Гидротехник иншоотларни таъмирлаш-тиклаш ва қуриш



Сувнинг қатъий ҳисоб-китобини юритиш



Сув хўжалиги эксплуатация ташкилотларининг молиялаштирилиши



■ Жами ажратилган маблағ (млрд.сўм)

■ Шу жумладан электр энергия харажатлари (млрд.сўм)

■ Жорий ва капитал таъмирлаш харажатлари (млрд.сўм)

**Ерларнинг мелиоратив ҳолатини
яхшилаш борасидаги амалга
оширилган ишлар**

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш

- **Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига кўра, 2007 йилда**

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Жамғармаси ташкил этилди

- **Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича 2008-2012 йилларга мўлжалланган **Давлат Дастури** қабул қилинди.**

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш

Мелиоратив ишларни
амалга ошириш учун:

Давлат бюджетидан **750**
млрд.сўмдан ортиқ маблағ
ажратилди.

- **“Узмелиомашлизинг”**
давлат лизинг компанияси
ҳамда
- **49** та давлат унитар
корхоналари ташкил
этилди



**Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2013 йил 19 апрелдаги
“2013-2017 йиллар даврида
суғориладиган ерларнинг мелиоратив
ҳолатини янада яхшилаш ва сув
ресурсларидан самарали фойдаланиш
бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-
1958-сонли қарори**

2013-2015 йилларда бажарилган ишлар

қуриш ва реконструкция қилиш:

- ✓ **2575 км** очик коллекторлар;
- ✓ **487 км** ёпиқ-ётиқ дренаж тармоқлари;
- ✓ **27 дона** мелиоратив насос станцияси;
- ✓ **399 дона** мелиоратив тик қудуқлар;
- ✓ **141 дона** гидротехник иншоотларида

таъмирлаш-тиклаш ишлари:

- ✓ **36960 км** очик коллекторлар;
- ✓ **1600 км** ёпиқ-ётиқ дренаж тармоқлари;
- ✓ **52 дона** мелиоратив насос станцияси;
- ✓ **1330 дона** мелиоратив тик қудуқлар;
- ✓ **4700 дона** гидротехник иншоотларида

“Ўзmeliомашлизинг” давлат лизинг компанияси томонидан 2013-2015 йилларда жами 477 та техника етказиб берилди



2013-2015 йилларда амалга оширилган тадбирлар натижасида

- **844,2** **МИНГ** гектар
суғориладиган
майдонлардан сизот
сувларни тўсиқсиз чиқиб
кетиши таъминланди;
- *ўрта ва кучли*
шўрланган ер майдонлар
81,3 минг гектарга;
- *сизот сувлари сатҳи 2*
метр гача бўлган
майдонлар **127,3** **МИНГ**
гектарга қисқарди.



2008 йилдан буён мелиоратив тадбирларнинг бажарилиши натижалари

635,7 минг гектар

ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди ва барқарорлиги таъминланди.

545,3 минг гектар ер майдонларини сув таъминоти яхшиланди.



2013-2015 йилларда бажарилган ишлар

қуриш ва реконструкция қилиш:

- ✓ **890,2 км** каналлар;
- ✓ **192,9 км** лоток тармоқлари;
- ✓ **42 дона** гидротехник иншоотлар;
- ✓ умумий қуввати **32,9 м³/сек** насос станциялар;
- ✓ **48,3 км** узунликда босимли қувурлар;
- ✓ **25,4 км** қирғоқ ҳимоя ишлари;
- ✓ **325 млн.м³** сиғимли сув омборлари

Тренингларда ҳамда олий таълим муассасаларида ташкил этилаётган малака ошириш курслари



Сув хўжалиги соҳасида инвестицион лойиҳаларни жалб этиш бўйича ҳамкорлик қилинаётган халқаро молия институтлари



Сув хўжалиги соҳасида инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш

Охирги 10 йилда:

1,5 млрд.долл.
ортиқ маблағ
ажратилди





Бу маблағлар
20 дан ортиқ
йирик инвестиция
лоийҳаларга
сарфланди



**Сув ресурсларини тежаш
бўйича амалга
ошириладиган ташкилий
тадбирлар**

Фермерлар орасида сувни навбатма-навбат ишлатиш

■ экин далалари навбатма-навбат суғорилиши натижасида каналдаги сув исрофи **10-20 %**, ўқариқлардаги сув исрофи **30-35 %** гача камаяди.



Суғориш тармоқларини ишчи ҳолатини таъминлаш, уларни тозалаш ва таъмирлаш

Канал ва ариқларини лойқа ва бегона ўтлардан тозалаш далалар сув таъминотини яхшилайд

Бундай ариқдан сув юрмайди



Сув беришга тайёр ариқ



Олинаётган сувни ҳисоб-китобини юритиб бориш

- Сувнинг қатъий ҳисоб-китобининг жорий этиш;
- Сувнинг олди-берди ҳисоб-китобларини тўлиқ юритиш
- Сувдан самарали ва тежамли фойдаланиш бўйича тарғибот – ташвиқот ишларини олиб бориш.



Сувнинг катъий ҳисоб-китобини жорий қилиш

- **Ҳар бир сув истеъмолчиси сув олиш қулоқларини сув оқимини ростловчи ва сув ўлчовчи воситалар билан жиҳозлаш**
 - Фермер хўжаликларининг сув олиш қулоқларини сувни бошқариш (дарғотлар) ва ўлчаш иншоотлари билан жиҳозлаш сувдан оқиллик билан фойдаланиш имкониятини яхшилайдди.
- **Сувнинг олди берди ҳисоб-китобларини катъий юритиш**



Суғоришда сувдан самарали ва тежамли фойдаланишни ташкил этиш чоралари

- Суғориладиган ерларни текислаш
- Ер майдонининг нишаблигига қараб эгатларни қисқа олиш (50-60м)
- Сувчилар сонини кўпайтириш ва ҳар 8-10 л/с сувга биттадан сувчи жалб этиш
- Тунги суғориш ишларини ташкил этиш ва сувчиларга керакли шароитларни яратиш
- Суғоришни шарбат оқизиб ташкил этиш ва қатор орасига ўз вақтида ишлов бериш
- Сувни ташлама ташламаслик, қўллатиб ва захлатиб суғоришга йўл қўймаслик
- Суғоришни экинлар талабидан келиб чиқиб ташкил этиш



Экинларни шарбат оқизиб суғориш афзалликлари

- Шарбат усули қўлланилганда гўнг экинларни озиқлантиради;
- Маҳаллий ўғит мульча вазифасини ҳам бажариб, сувнинг буғланиши ва тупроққа сингиши кескин камаяди;
- Маҳаллий ўғитни экин майдонларига киритиш тупроқдаги намликнинг узокроқ муддат сақланишига, тупроқнинг турли таъсирлар натижасида зичланишини камайтиради;
- Зичлиги кам бўлган тупроқда ҳар бир экиннинг илдиз системаси кучли ўсади ва тупроқдаги озуқа элементларидан янада кўпроқ фойдаланади;

Шарбат усулида суғоришда хандакдан ўтаётган сувни гўнг билан тўлиқ аралашувига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Экинларни шарбат оқизиш суғориш учун хандакнинг тайёрланиши



Сувни тежайдиган технологияларни жорий қилиш



Эгатга плёнка тўшаб суғориш

Эгатларга плёнка тўшаб суғорилганда

- оқава сувлар миқдори камаяди,
- эгатлар бутун узунлиги бўйича бир текис намланади,
- ўқариқни қисқа масофада олинмайди
- суғориладиган майдондан буғланиш ва шимилиш камаяди



Эгилувчан қувурлар ёрдамида суғориш

- эгилувчан шлангалар ўқариқни ўрнига ишлатади;
- сув ҳар бир эгатга бир текис тақсимланади;
- суғориш ишлари энгиллашади




Томчилатиб суғориш усулини қўллаш

Томчилатиб суғориш тизими ўсимликнинг сувга бўлган эҳтиёжига тенг миқдордаги сувни зарур муддатда унинг илдиз қатламига етказиб беришга мўлжалланган босимли суғориш тармоғидир.

Томчилатиб суғориш тизимини умумий кўриниши ва элементлари:

- 1 - сув манбаи;
- 2 - насос қурилмаси;
- 3 - ўғитлаш мосламаси;
- 4 - қумли фильтр;
- 5 - диск ёки тўрли фильтр;
- 6 - магистрал (бош) қувур;
- 7 - тарқатувчи қувур;
- 8 - босим ростлагичлар;
- 9 - томизгичли шланглар;
- 10 - томизгичлар.



Сув тежамкор технологияларни қўллаш бўйича келгусидаги режалар

2013 - 2017 йилларда фермерлар ва бошқа ердан фойдаланувчилар томонидан:

25 минг гектар майдонда томчилатиб суғориш тизими,

45,6 минг гектар майдонда эгатга плёнка тўшаб суғориш усули

34 минг гектар майдонда эса ўқ ариқлар ўрнига кўчма эгилувчан қувурлар ёрдамида суғориш усуллари жорий этиш белгиланган;

Сув тежамкор технологияларни жорий этишни рағбатлантириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг **2013 йил 21 июндаги** “Томчилатиб суғориш тизимини ва сувни тежайдиган бошқа суғориш технологияларини жорий этиш ва молиялаштиришни самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги **176-сонли** қарори тасдиқланди. **Унга асосан:**

Тежалган сув ҳисобидан бошоқли дон экинларидан бўшаган майдонларда **такрорий экин етиштиришга йўналтириш.**

Тизимнинг бутловчи қисмларини ишлаб чиқарувчи ихтисослаштирилган ташкилотларга **декларация қилинган нархлар бўйича полиэтилен гранула ажратиш**


Сув тежамкор технологияларни жорий этишни рағбатлантириш

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан ажратиладиган кредит линиялари орқали имтиёзли йиллик **6 фоизли** кредит ажратилмоқда.

Тежалган сув ҳисобидан бошоқли дон экинларидан бўшаган майдонларда **такрорий экин етиштиришда фойдаланиш имтиёзи берилган.**

Сув тежамкор технологияларни жорий этишни рағбатлантириш


Солиқ кодексининг 367-моддасига асосан **5 йил** муддатга ягона ер солиғи тўлашдан **озод этилган.**



367-модда. Имтиёзлар


Ягона ер солиғини тўлашдан қуйидагилар озод қилинади: юридик шахслар, ер участкасининг қайси қисмида томчилатиб суғоришдан фойдаланилаётган бўлса, ўша қисмида томчилатиб суғориш тизими жорий қилинган ойдан бошлаб беш йил муддатга.

Сув тежовчи суғориш технологияларини жорий қилишнинг Давлат дастурини шакллантириш




**Сув тежовчи
технологияларни амалда
жорий қилиниши**


Томчилатиб суғориш тизими жорий қилинган умумий майдонларнинг ўсиши (гектар)



Кўчма эгилувчан қувурлар орқали суғоришни жорий этиш динамикаси (гектар)



Эгатларга плёнка тўшаб суғоришни жорий этиш динамикаси (гектар)



Сув тежовчи суғориш усулларини жорий қилишни яхшилаш бўйича таклифлар


- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 19 апрелдаги ПҚ-1958-сон қарори маҳаллий ҳокимиятлар қарорлари асосида боғ, токзор ва сабзаётлар етиштириш учун узоқ муддатга ижарага берилаётган ер майдонларида томчилатиб суғориш тизимларини жорий қилиш шарти билан ажратиш тартибига қатъий амал қилиш;
- ҳаражатлари давлат бюджети томонидан тўлиқ қопланадиган (насослар ёрдамида сув етказиб бериладиган) ва сув етказиб бериш таннархи вилоятнинг ўртача қийматидан баланд бўлган барча ҳудудларда сув тежовчи суғориш технологияларини мажбурий тарзда жорий қилиш;

Республика буйича олинаётган сув миқдорининг ўзгариши



Етказиб берилаётган 1 м³ сувнинг таннархи, сўм/м³

(2014 йил эксплуатацион харажатлари асосида)



Сувдан фойдаланиш самарадорлиги ошириш бўйича чоралар

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамасининг 2013 йил 19 мартдаги
“Ўзбекистон Республикасида сувдан
фойдаланиш ва сув истеъмоли тўғрисидаги
Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги **82 - сонли**
қарори қабул қилинди.

Ушбу қарор билан **Ўзбекистон**
Республикасида сувдан фойдаланиш ва сув
истеъмоли тўғрисидаги Низом тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикасида сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тўғрисидаги Низомда

- Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли турлари;
- Сувдан фойдаланиш объектлари ва сув истеъмоли манбалари;
- Сув олиш лимитлари ва уларни белгилаш тартиби;
- Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолини режалаштириш;
- Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тўғрисидаги шартномалар;
- Сув ресурсларини олиш, сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолида ҳисобга олишни ва ҳисоботини юритиш тартиби;
- Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартибини бузганлик учун жавобгарлик ва бошқалар белгиланган.

Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартибини бузганлик учун жавобгарлик

- Сув истеъмолчилари томонидан лимитдан ортиқча сув олинганлиги учун – лимитдан ортиқча олинган ҳар минг кубометр сув учун - белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг **10 фоизи миқдорида**;
- Сув олишга рухсат этилмаган жойлардан сув олганлик учун, шунингдек сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчилари томонидан сувни ўз бошимчалик билан эгаллаганлик учун – олинган ҳар минг кубометр сув учун - белгиланган **энг кам ойлик иш ҳақининг 20 фоизи** миқдорида жарима санкциялари қўлланилади.
- Бир йил мобайнида сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартиби такроран бузилган тақдирда ушбу бандда кўрсатилган жарима санкциялари **ўн баравар** миқдорида қўлланилиши белгиланган.

“Ўзсувназорат” Республика сув инспекцияси томонидан 2015 йилда аниқланган камчиликлар

№		Аниқланган камчиликлар сони	Жарималар миқдори, минг сўм
1	Қорақлпоғистон Республикаси	158	30838
вилоятлар:			
2	Андижон	140	35074
3	Бухоро	166	30739
4	Жиззах	134	28417
5	Қашқадарё	306	45518
6	Навоий	164	30278
7	Наманган	394	53485
8	Самарқанд	136	27716
9	Сурхондарё	221	31612
10	Сирдарё	164	60493
11	Тошкент	157	56887
12	Фарғона	213	48372
13	Хоразм	129	49914
Жами:		2482	529342


СИУлар фаолиятини ривожлантириш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар

- СИУларни бино ва иш жойлари билан тўлиқ таъминлаш
- СИУларга тажрибали ва масъулиятли мутахассис раҳбарларни танлаш, хизмат кўрсатиладиган ҳар 400-450 гектар майдонга биттадан малакали мутахассис-миробларни ишга олиш
- СИУларнинг молиявий ва моддий техник таъминланганлик аҳволини яхшилаш
- Жойлардаги раҳбарлар ва жамоатчилик томонидан СИУлар фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватловчи доимий тадбирларни амалга ошириш



“Ўзгидромет”нинг 2016 йил суғориш мавсумининг сув билан таъминланиши бўйича башорати

Тоғлардаги қор заҳираси ва ёғингарчилик миқдорига асосан **Амударё** ва **Сирдарё** ҳавзаларида меъёр атрофида бўлиши кутилмоқда



Сувдан фойдаланишни яхшилашнинг асосий йўналишлари

- ички ариқларни тартибга солиш
- қулоқларни гидростлар билан жиҳозлаш
- майдонни суғоришга талаб даражасида тайёрлаш
- суғориш муддатлари ва меъёрларига амал қилиш
- сувни тажайдиган агротехник тадбирларни ўз вақтида бажариш (культивация, эгат оралаб ва шарбат билан суғориш)
- сувни тежайдиган технологияларни кенг қўллаш
- Сув истеъмолчилари уюшмалари фаолиятини қўллаб-қувватлаш

**Эътиборингиз учун
раҳмат**